

Отабек БОҚОНИЙ

*Қар сония
ганимат*

Шеърлар



Тошкент — 2008

Ёш қаламкаш Отабек Боқоний «Бухорий бобом», «Таъзим», «Қалбингизда ихлос гулласин» каби шеъри тўпламлари билан ўз мухлислари қалбидан жой олган. Муаллиф ўз шеърларида она юрт эъзози, Ватанга садоқат, меҳр-оқибат ва муҳаббат туйғуларини самимий қалб розларида ишио айлашга муваффақ бўлган. Бу эса Отабек Боқонийнинг дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўта олишига ишонч уйғотади.

БУЮК ДАВЛАТ

Истибдоддан озод бўлди Ўзбекистон,
Истиқлолни тан ҳам олди бутун жаҳон,
Юртбошимиз қалб амрини қилди баён:
“Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”.

Буюклиги тарихидан эрур маълум,
Бу ўлкада зиё сочган минглаб олим,
Бутун дунё асли Шарқдан олган таълим,
“Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”

Ихтиёри тегди энди қўлларига,
Ҳеч ким тўсиқ бўла олмас йўлларига,
Ғам кирмайди раиятин дилларига,
“Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”.

Жилваланар байроғида ой-юлдузлар,
Унга қараб ойдек ёруғ бўлар юзлар,
Шижоатли ёшларимиз кўкни кўзлар,
“Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”.

Ўзбекистон яшнамоқда кундан-кунга,
Энди ўрин қолдирмаймиз қора тунга,
Боқоний ҳам хурсанд бўлиб дейди шунга:
“Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”.

ВАТАН

Она юртим яшнамоқда йилдан-йил,
Бу ўлкада ҳар бир инсон мустақил.
Қора бўлди ғанимларнинг юзлари,
Эъзоз топар қадриятлар муттасил.

Бу ўлканинг тенги йўқдир, шуни бил,
Боғларида сайр қилсанг яйрар дил.
Юртлар қўпдир, лекин бахтинг чопиб сен —
Шу ўлкада туғилдинг, минг шукр қил.



ЎЗБЕК АСКАРИ

Йигитлик бурчини оқламоқдаман,
Мен ўзбек аскари, ўзбек аскари.
Ватанни ёвлардан сақламоқдаман,
Мен ўзбек аскари, ўзбек аскари.

Отажон-онажон, дуо қилингиз,
Юртимга содиқман, тўқдир кўнглингиз,
Ватанни ҳимоя қилар ўғлингиз,
Мен ўзбек аскари, ўзбек аскари.

Ватан деб не ишлар қилмади Широқ,
Бобур-чи йиғлади Ватандан йироқ,
Душманга бермаймиз, эй Она тупроқ,
Мен ўзбек аскари, ўзбек аскари.

Ҳеч қачон ҳеч кимдан бўлмагаймиз кам,
Гулласин, яшнасин мустақил ўлкам,
Кечаман Ватан-чун ширин жондан ҳам,
Мен ўзбек аскари, ўзбек аскари.

САМАРҚАНД

Минг-минглаб илмлар конини очган
Самарқанд, Самарқанд, Самарқандимсан.
Дунёга маърифат нурини сочган
Самарқанд, Самарқанд, Самарқандимсан.

Истиқлол туфайли бўлдинг гулистон,
Кундан-кун ёшарар кўҳна Регистон,
Сен билан гўзалдир ҳур Ўзбекистон,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқандимсан.

Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Боболар айтган гап ёлғон эмас, рост,
Дунё аҳли сенга қилади ҳавас,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқандимсан.

Олимлар, валийлар, шоҳлар макони,
Меҳмондўст бу юртнинг кўпдир имкони,
Жаҳонни маҳлиё айлаган нони,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқандимсан.

Осмонинг мусаффо, порлоқ қуёшинг,
Фурурдан кўкларга етгудай бошинг,
Қутлуғ бўлсин, шаҳрим, муборак ёшинг,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқандимсан!

ИЗЛАЙМАН

Юракда не дард бор, сизга сўзлайман,
Тақдирга тан бериб, ночор бўзлайман,
Гоҳида ёнаман, гоҳо музлайман,
Онамнинг изларин мудом излайман.

Кўнглимиз хувиллаб қолди давосиз,
Қалбимиз хувиллаб қолди маъносиз,
Ҳовлимиз хувиллаб қолди онасиз,
Онамнинг изларин мудом излайман.

Укамнинг йиғиси юрагим эзар,
Дардимни онасиз қолганлар сезар.
Онамнинг руҳлари ҳовлида кезар,
Онамнинг изларин мудом излайман.

Онаси борларга насиҳатим шул:
Хизматин қилингиз гўё бўлиб қул,
Онасиз ўчоқда турмас ҳатто қул,
Онамнинг изларин бедор излайман.



БАХТ


Кириб келса эшикдан меҳмон,
Ҳозирларкан унга чой ва нон,
“Нечун келди...” ўйлар бегумон,
Ўз бахтини кутар сингиллар.

Кўзгу билан кунда сирлашиб,
Юлдуз билан тунда сирлашиб,
Янгалари билан дардлашиб,
Ўз бахтини кутар сингиллар.

Хусну хулқда гўё фаришта,
Ҳар бир ишни қилар саришта,
Кечалари тикишар кашта,
Ўз бахтини кутар сингиллар.

Сочларини оҳиста тараб,
Гоҳ келинчак рўмолин ўраб,
Яратгандан бахт-иқбол сўраб,
Ўз бахтини кутар сингиллар.

Тилагим шул: сизга берсин бахт,
Яхши йигит билан қилинг аҳд,
Оиладан йўқдир баланд тахт,
Эй бахтини кутган сингиллар...



ЧАҚАЛОҚ


Овози оламни тўлдириб,
Ўзининг кимлигин биддириб,
Онасин йиғлатиб, кулдириб,
Дунёга келади чақалоқ.

Ҳаммани ҳар ёққа чоптириб,
Бозордан бешиклар топтириб,
Устига бахмаллар ёпдириб,
Дунёга келади чақалоқ.

Эркалар аммаю холаси:
Бу гўдак қайси боғ лоласи...
Онам дер: боламнинг боласи!
Дунёга келади чақалоқ.

Чарогон айлади уйимни,
Тўрт кунда бўйлади бўйимни,
Куйлади қўшиғу куйимни,
Дунёга келади чақалоқ.

Ҳар уйда янграсин кўп алла,
Тўйларга айтилсин маҳалла.
Умрини узоқ қил, ё Оллоҳ,
Дунёга келади чақалоқ!





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/1101> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1101> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1101>